

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Рафиқов, А.Сотволдиев	
Параболо - гиперболик тенглама учун нолокал шартли масала.....	5
И.Неъматов, С.Кукиева	
Предикатлар ва кванторлар ёрдамида теоремаларни тузиш	11
М.Азизов, С.Рустамова	
Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи.....	13

КИМЁ

А.Ибрагимов, Ю. Исақов, О.Йигиталиева, А.Иброҳимов	
Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари ҳамда меваларнинг анализини ўтказиш услубиёти.....	17
Ю.Исаев, С.Рустамов, И.Асқаров, Н.Тўлаков	
Глициррининг кислотасининг таркибида мочевина бўлган ҳосилаларини синтез қилиш	21

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Максудов	
“Балиқчилик инновацион маркази” фаолияти ва балиқчиликнинг истиқболлари.....	24

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

И.Зокиров, С.Исроилжонов	
Ҳашаротларнинг ўсимликка таъсир кучини аниқлаш мезонлари	27

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Н.Рахмонов	
Таълим хизматлари сифатини бошқаришнинг назарий асослари	31
М.Мўйдинов	
Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари.....	35

ТАРИХ

Б. Усмонов	
XV асрнинг 70-йилларида Фарғона	39
Н.Режаббоев	
Наманган уездига “овқатланиш пункт”ларининг фаолияти	43
А.Нурматов	
XX асрнинг 80-йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасининг айрим ҳолатлари хусусида (Фарғона водийси мисолида).....	49
М.Мансуров	
Фарғона водийсида қишлоқ туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари	55
Х.Юнусова, У.Усаров	
Фарғона водийси деҳқончилик маданияти ва аънавлари ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	58

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев	
Инсон эҳтиёжларининг шаклланиш хусусиятлари	62

УДК: 93/99+336.2

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ВА АНЪАНАЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Х.Юнусова, У.Усаров

Аннотация

Фарғона водийси аҳолиси узоқ йиллар давомида деҳқончилик маданияти ва қишлоқ хўжалигини такомиллаштириб, ўзига хос мактаб яратган ва ер, сув ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида катта тажриба орттириб борган. Воҳаларда экин майдонлари, боғлар ва қишлоқлардан иборат маданий ландшафтлар бунёд қилган. Қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик учун қулай бўлган географик ва иқлим шароитлари асосида ривожланиб борган Фарғона водийси ҳам Ўрта Осиёда муҳим деҳқончилик минтақаси ҳисобланган. Мақолада водий аҳолиси тупроқнинг таркибига қараб, ундан фойдаланиш йўллари биланлиги, етарли даражада ҳосил олиш имконига эга бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар турли адабиётлар ёрдамида таҳлил қилиб берилди.

Аннотация

На протяжении долгого времени население Ферганской долины совершенствовало земледельческую культуру и сельское хозяйство и создало своеобразную школу, приобрело большой опыт в рациональном использовании земли, воды и водных ресурсов. В оазисах создавались культурные ландшафты из посевных площадей, садов и поселений. Ферганская долина, получившая развитие благодаря благоприятным для сельского хозяйства и земледелия географическим условиям, считалась важным земледельческим регионом Средней Азии. В статье на основе различных источников проанализированы сведения о знании населением долины способов обработки почв с учетом их состава, а также умения местных жителей получать достаточно высокий урожай культур.

Annotation:

The population of Turkistan, including the Fergana Valley, over the course of many years improved agricultural culture, agriculture and created a kind of school, gained a lot of experience in the efficient use of land, water and water resources. In the bases they created cultural landscapes consisting of acreage, gardens and villages. The Fergana Valley, developed on the basis of favorable geographical conditions for agriculture, was considered an important agricultural region in Central Asia. In the article, on the basis of various sources, information on the knowledge of the valley's population of ways of using the soil, taking into account their composition, was analyzed, and also had the opportunity of obtaining a sufficiently high yield.

Таянч сўз ва иборалар: қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, маданий ландшафтлар, ўлка ҳудудлари, табиий ресурслар, лалмикор ерлар, иқлим шароитлари, деҳқончилик минтақаси, солиқ, вақф, канал йўналиши, “энаарик”, “шоҳарик”, “ўқарик”, “жўяк”, “тақсим”, таноб, мироб, ипақкурти, компас.

Ключевые слова и выражения: сельское хозяйство, водные ресурсы, культурные ландшафты, оазисы, естественные ресурсы, климатические условия, земледельческий регион, налог, вақф, наплавление каналов, “эна арик”, “шоҳ арик”, “уқарик”, “жуяк”, “таксим”, танап, мираб, шелкопряд, компас.

Key words and expressions: agriculture, water resources, cultural landscapes, oases, natural resources, climatic conditions, agricultural region, tax, waqf, channel fusing, “ena arik”, “shok arik”, “ukarik”, “zhuyak”, “taksim”, Tanap, mirab, silkworm, compass.

Ўрта Осиё худудида қадимги даврлардан қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик учун қулай бўлган географик ўрни ва иқлим шароитлари асосида ривожланиб борган Фарғона водийси муҳим деҳқончилик минтақаларидан бири ҳисобланади. Археологик маълумотларга кўра, Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг энг қадимги деҳқончилик ўчоқларидан бири бўлиб, бронза давридаёқ бу ерда асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ бўлган “Чуст маданияти” вужудга келиб ривожланган [1,5-6]. Кейинги ривожланиш даврларида эса, Фарғонада деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик каби соҳалар янада равнақ топиб, фарғоналик деҳқонлар ҳақли равишда деҳқончиликнинг сирларини пухта эгаллаган миришкорлар сифатида донг таратганлар.

Қадимги Фарғона ҳақидаги маълумотларни Хитой манбаларида ҳам учратиш мумкин. Фарғонага келиб кетган сайёҳларнинг энг қадимийси бўлган Хан сулоласининг элчиси Чжанг Чян бўлиб, унинг Фарғонага саёҳати мил.авв. 129-128 йилларга тўғри келган. Элчи ватанига қайтиб борганидан кейин ёзма ҳисобот ёзган, бу ҳисобот сақланиб қолмаган бўлса-да, унинг ёзганларини мил. авв. I аср охирида битилган сарой тарихчиси Сима Чян қаламига мансуб “Шижи” (“Тарихий хотиралар”)да сақланиб қолган. Сима Чяннинг ёзишича, Чжанг Чян

Х.Юнусова – ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори.

У.Усаров – ЎзМ Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти.

ТАРИХ

Фарғона водийсини куйидагича таърифлайди “Буюк Паркона (Дай-юан/Довон) хунларнинг жануби-ғарбида ёки Хан (мамлакат)нинг ғарбида ундан 10 минг *ли* (5760 км) йироқликда жойлашган. У ерда (аҳоли) деҳқончилик билан шуғулланишади, шоли ва буғдой экишади, узумдан шароб тайёрлашади” [2].

Тадқиқотчи М. Жабборов Фарғона водийси деҳқончилик ҳудудларини узлуксиз лентага ўхшатирилганини таъкидлаб, рус олимларининг қуйидаги фикрларини келтиради: “Бу лента Қўқон шаҳридан 30 верст ғарбдан бошланиб, Қўқон, Риштон орқали ўтади ва Марғилондан шимоли-шарққа буралади, Асака сўнг Шаҳрихон орқали Андижонга етади ва у ердан ўз йўналишини ғарб томонга ўзгартириб, Балиқчи ва Намангандан сўнг Тўрақўрғон қишлоғига 14 верст қолганда тугайди. Бу узлуксиз Фарғона воҳаси лентаси узунлиги 250 верстан ортиқ бўлиб, кенлиги 30 верстни ташкил этади. Бу воҳа асосан Олой тизмасидан оқиб келувчи Сирдарёнинг сўл (чап) irmoқлари билан суғорилади. Булар Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам, Новқат ва бошқа сойлардир” [3,24]. Водийга ҳаёт бахш этиб турувчи Сирдарё, тоғлардан оқиб келувчи кўплаб irmoқларнинг йиғиндиси бўлган сойлар бўлса суғорма деҳқончилик манбаи ҳисобланган” [4,133].

Фарғона вилоятининг Наманган шаҳри атрофларидаги ерлар ҳам бўз, қумтош, соз тупроқлардан иборат бўлган. Наманган шаҳри атрофидаги ерлар Подшоҳ ота сой сувининг Пешқўрғон, Навкент, Қораполвон тармоқлари орқали суғорилган. Наманган атрофларида Норин ва Сирдарё, Наманган ва Ғирвонсой, Косонсой каби ерларда булоқлар жуда кўп бўлган, Чотқол ва Қурама тоғларининг ёнбағирларида 16 та сой ва бир қанча жилғалар бўлган. Булардан энг катталари ва серсуви Косонсой, Подшоҳ ота сой, Намангансой ҳисобланган. Булар асосан муз, қор ва ёмғир сувларидан тўйинган. Умуман, Жанубдан Олой ва шимолдан Фарғона, Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган Фарғона водийси [5,13-15], Туркистон ўлкасида етакчи ўрин эгаллашига ҳам сабаб бўлган.

Водийда биринчи совуқ кунлар октябрь ойидан бошланган. Октябр-ноябрь ойлари ёғингарчилик кўп бўлган ойлари бўлган, декабрь ойидан бошлаб эса кунлар совиб борган, лекин нол градусдан пасаймаган. Бу ойларида ёққан қор ҳам узоқ турмай, тезда эриган, бундай кунлар март ойигача бўлиб, қорнинг тезда эриши ва ернинг исиб бориши ер ҳайдаш ва деҳқончиликка тайёргарлик кўриш юқори ҳосилдорлик олиш имконини ҳам берган. Баҳорда куз ойларига нисбатан кўпроқ ёмғир ёғиб, майгача чўзилган. Кейинги ойларида кам ёмғир ёғиб, қурғоқчил кунлар бошланган.

Деҳқончилик эрта баҳорда ариқларни тозалашдан бошланган. Йиллар давомида ариқлар ўтиб, каналлар барпо этилган ерларда пайдо бўлган қишлоқларда аҳоли деҳқончилик ариқларнинг тозаланишига мунтазам эътибор берган, ариқларни тозалаш суғориладиган ерларнинг катталигига боғлиқ бўлган. Ариқлар тозаланиб, кенгайтирилиб, кўпайтириб борилган сари экин экиладиган ерлар ўзлаштирилиб кенгайиб бораверган. Тадқиқотчи С.Болтабоевнинг таъкидлашича, Ўрта Осиё хонликлари даврида қаровсиз ётган ерлар бой-бадавлат кишилар томонидан ариқлар қазилиб, сув олиб борилиши натижасида ўзлаштирилган. Жумладан, Умархон ҳукмронлиги даврида эшон Мир Абдурахим Халифа “Сўх” сойидан ариқ қазиб ер ўзлаштиради. Умархон 1816-1817 йилларида ушбу ариқни барча солиқлардан озод этган, Муҳаммадалихон эса эшон Мир Абдурахим Халифанинг ўғлига тегишли бўлган ерларни солиқлардан озод этади. 1859-1860 йилларга келиб Маллахон ушбу ариқнинг солиқлардан озод этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тасдиқлайди. Кейинчалик эшон Мир Абдурахим Халифа томонидан қазилган ариқ Муҳаммадалихон ва Маллахон ҳукмронлиги оралиғида вақф мулки деб эълон қилинган [6,40].

Фарғона водийси аҳолиси тупроқнинг таркибига қараб туриб, ундан фойдаланиш йўллари билан ва етарли даражада ҳосил олиш имконига эга бўлган. Водийда мавжуд ер майдонлари суғориладиган “сувли ер” ва суғорилмайдиган “баҳорикор ер”, “қайроқи ер” ёки “лалми” деб аталувчи майдонларга бўлинган. Ерлардан икки хил йўл билан фойдаланилган. Биринчисида, асосан ҳосилдан бўшаган экин майдонларига дам берилган, иккинчисида эса, экин майдони шудгор қилинган. Ҳар икки усул водийнинг турли жойларида турли номлар билан юритилган. Масалан, Фарғона водийсининг Сўх туманидаги ерга дам бериш усули “Дам додан”, ерларни шудгорлаш усули эса “қора шудгор” деб аталган. Шудгорлаш ишлари

қуёш тақвими бўйича ҳамал ойининг кириб келиши билан бошланган бўлиб, ҳозирги ой календари бўйича 21 мартдан 21 апрелгача тўғри келган. Миришкор деҳқонлар суғориш каналлари ҳамда ариқлар орқали сув чиқаришда ўзига хос анъанавий усулларни қўлланганлар.

Деҳқонлар мелиоратив иншоотларни ҳам қурганлар. Умумий номи “зовур” деб аталган иншоот барча суғориладиган ерларга кенг тарқалган. Зарур вақтларда зовурдаги сувлардан суғориш учун фойдаланилган. Фарғона водийси, хусусан, Қўқон атрофида зовурлар 1-1,8 метр чуқурликда қазилган. Зовурлар, асосан, ҳар бир деҳқоннинг ер майдонлари чегарасидан ўтган, агар участка катта бўлса, унинг ўртасидан ҳам зовур ўтказилган. Бундай зовурларнинг бўлиши участка чегараларини аниқ белгилаган ва у камида икки қўшни хўжалик томонидан тозаланган. Зовур сувлари суғориладиган ариқларга оқизилган, экинларнинг шўрланишдан қуриб қолиши ёки ҳосилнинг камайиши ҳоллари эса учрамаган. Зовур бор участкалардаги ерлар бутун қиш давомида бостириб ювилган. Кам шўрланган ерлар бир - икки марта, кучли шўрланган ерлар 5-6 мартагача, баъзи ерлар умуман ювилмаган, чунки қишки, баҳорги ёғин-сочинлар ва экин экишдан аввал сув бериш туфайли тупроқ шўри ювилган. Қиш ва баҳор фаслларида зовур сувларидан ичиш учун ҳам фойдаланилган [7,14]. Бундай усуллар ерларнинг шўрларини ювиш учун қулай бўлган.

А.Ф.Миддендорф водий деҳқонлари тупроқдаги ортиқча туздан сира қўрқмаганлигини, тузнинг ўзи тупроқдан жуда осон қочишини билганлигини ва бу хусусда Фарғона водийси деҳқонлари тажрибасини ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. [8,164]. Муаллиф ўз замондошларини Фарғона водийси деҳқонлари тажрибасини ўрганиш ва ундан амалда фойдаланишга чақиради. У айниқса кекса кишилар ақл-заковатига қойил қолади. Фарғоналик деҳқонларнинг ирригация, мелиорация ишларида кўпгина янгиликларни ўйлаб топиб, юқори ҳосил етиштириш борасидаги тажрибалари ернинг агротехник ҳолатини яхшилаш учун ўғитлашнинг маҳаллий усулларини яхши билганликларида ҳам кўринадди. Масалан, Фарғона водийсида ерларни ўғитлаш асосан кеч куздан эрта баҳоргача давом этган. Бундай усуллардан бири экин майдонига лойдан кўтарилган эски уйларнинг пахса деворлар тупроқларини солиб ерни ўғитлаш бўлган [9,148-161]. Тадқиқотчи У.Джахановнинг фикрича, бундай ўғитлаш усули Фарғона водийсининг айрим жойларида “шўр”, деб ҳам аталган [10,53].

Водийда ерларни ўғитлашнинг яна бошқа бир усули ерларга гўнг солиб ўғитлаш бўлган. XIX аср охири - XX аср бошларида гўнг водий деҳқонлари учун асосий ўғит ҳисобланган [11,28]. Фарғона водийсидаги кўчманчи аҳоли сотиш учун ҳатто бозорларга гўнг олиб келганлар ва уни 10-15 копеекка сотганлар [12,59]. Ўғитлашнинг яна бир усули “фекал” деб номланиб, у ипак қурти ва турли қушлар ахлатидан фойдаланишдан иборат бўлган. Шунингдек, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун бошқа бир усулдан - инсон соч толалари, эски тери, жун ва бошқа маҳсулотларни компост қилиш - ерга кўмиб ўғитлаш усули ҳам қўлланилган [13,28].

Водийда лалми ерларга жуда камдан-кам ҳолатларда ўғит солинган ёки буғдой экин майдонлари умуман ўғитланмаган. Маҳаллий деҳқонларнинг бу борадаги тажрибалари билан ҳам танишган А.Миддендорф “Фарғоналик деҳқонлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, маҳаллий ўғит тайёрлашда Ғарбий Европадан анча илгарилаб кетишган”, деб ёзади [14,167].

Маҳаллий аҳоли деҳқончиликка зарар келтирувчи омилларга ҳам алоҳида эътибор билан қараган. Масалан, экинларга учун зарар келтирувчи, экинларнинг қуриб кетишига олиб келадиган қаттиқ шамол-гармсел бўлган. Бу шамол ҳар йили бўлмаса-да, гоҳида, бир йилда бир неча маротаба такрорланган. Гармсел шамоллари июнь, июль, август ойларида бўлиб, маҳаллий аҳоли бундай шамолнинг 10-15 минута экинларни қуритишга етади, деб ҳисоблаганлар. Гармсел одатда қуёш ботаётган вақтда 5-6 соат бўлган. Гармсел шамолдан яхши суғорилган пахта зарар кўрмаган, бу шамол асосан шוליға кўпроқ зарарли таъсир кўрсатган [15,32]. Аслида бундай шамоллар Ўзбекистоннинг турли вилоятларида бўлиб турган. Профессор Н.Н.Романов, Қ.Мирзажонов маълумотларига қараганда, Фарғона водийсида бир йил мобайнида 63 мартадан (Бешариқ туманида), 16 мартадан (Попда), Бухоро вилоятида 37 мартадан (Тамди, Бузовбойда), 34 мартагача (Қорақўлда), Сурхондарё

ТАРИХ

вилоятида 30 мартадан (Қамашида) 16 мартагача (Ғузурда), Самарқанд вилоятида 19 мартадан (Қўшработда), 7 мартагача (Ғаллаоролда), Хоразм вилоятида 4-5 марта (Хива, урганчда), Жиззах вилоятида 30 марта (Ховосда), Сирдарё вилоятида, Янгиерда 11 марта, Тошкент вилоятида 4-5 марта (Қовунчи) ва Қорақалпоғистон Республикасида 46 мартадан (Нукус) 44 мартагача (Тахиятошда) чанг бўронлари рўй беради[15]. Профессор Б.А.Федерович маълумотларига қараганда, тезлиги кучли шамоллар ер юзасининг бошқа ҳудудларида ҳам эсиб, уларни араблар “Самум”, “Ҳамсин”, Ўзбекистонда эса “Афғонли”, “Қўқонли”, деб аташган. Бундай ва бунга ўхшаш зарарли ҳолатларнинг олдини олиш учун деҳқонлар барча чора-тадбирларни кўрганлар. Масалан, Фарғона водийсида қадимдан жуда кўплаб дарахтлар экилган. Улар ер мелиорациясининг мунтазам назоратда бўлиш имконини берган.

Хуллас, Фарғона водийсида деҳқончилик қадимдан ривож топган бўлиб, водий ўзининг бир қатор жиҳатлари, чунончи, табиий-географик шароити, аҳолининг катта қисми қадимдан, ўтроқ турмуш тарзини кечирганлиги, қолаверса, этник таркибининг ранг-баранглиги билан Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-маданий ўлкаларидан фарқланиб турган. Ўтмишда бу ўлканинг иқлимий мўътадиллиги, сув манбаларининг сероблиги, деҳқончилик учун қулай табиий шароитнинг мавжудлиги билан Ўрта Осиёда салоҳиятли мавқега эга бўлган. Шунингдек, водий аҳолиси деҳқончилик маданиятининг ривожланишида ўзига хос тарихий анъаналарга эга бўлган. Шубҳасиз, бу борада бир неча минг йиллар мобайнида тўпланган тажриба ва нозик фенологик кузатишлар асосида ажодларимизда ҳам деҳқончилик билан боғлиқ ўзига хос маданият шаклланган. Айнан мазкур маданият асосида деҳқонлар табиий ресурслар, хусусан, ер ва сувдан унумли фойдаланиш, сермашаққат меҳнат эвазига ҳосил етиштириш борасидаги этномиллий анъаналари ва технологиялари мужассамлашган.

Адабиётлар:

1. Анорбоев А., Исломов У, Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. –Т.: Фан, 2001. Ablat Khodjayev. Ancient Fergana in chinese travelers' works // Echo of history./Scienti.
2. Жабборов М. Фарғона вилояти тарихининг “Туркестанский сборник”да ёритилиши (XIXаср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди илм.дараж.олиш учун ёзил. дисс. –Т., 2000.
3. Коканд: Военно-исторический сборник. Вып.3. Под.ред. Н.Обручева // Туркестанский сборник. –Т.30.
4. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. –Спб. 1882. // Туркестанский сборник. –Т 320.
5. Болтабоев С. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида вақф мулклари. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1995.
6. Раззоқов А. Ўзбекистон мелиорацияси: ўтмиш, бугун, келажак. –Т.: Фан, 1988.
7. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. –Спб. 1882. // Туркестанский сборник. –Т 320.
8. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. –Спб.. 1882. // Туркестанский сборник. –Т 320.
9. Джалилов У. Земледелие таджиков долины Соха в конце XIX–начале XX в. –Душанбе, 1989.
10. Исҳоқов З. Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданияти. –Т.:YANGI NASHR, 2011.
11. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. –Спб., 1908.
12. Исҳоқов З. Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданияти. –Т.:YANGI NASHR, 2011.
13. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. –Спб. 1882. // Туркестанский сборник. –Т. 320.
14. Юферов В. Хозяйство сартовъ Ферганаской области.-Ташкент. Электро- Пар. Типо-Литография Штаба Туркестанского Военного округа, 1911.
15. Мирзаянов К.М. Научные основы борьбы с ветровой эрозией на орошаемых землях Узбекистана. –Т., 1981.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)